

Жазоирдаги «Радио Қуръон» 24 соат эфирда



08:00 / 21.02.2021 1767

Жазоирдаги Қуръони Карим директори Ҳамди Исо пайшанба куни 24 соат давомида «Радио Қуръон» дастурлари расмий равишда эфирга узатилиши ва эшиттиришлар сифатини ошириш ҳамда тингловчиларга кўпроқ хизматларни тақдим этишини маълум қилди. Бу ҳақда Жазоир радиоси хабар берди.

«Ушбу режа баъзи дастурларнинг сифати ва давомийлигини ўзгартиришни ўз ичига олади», дейди Ҳамди Исо.

Жазоир Қуръон радиоси директорининг сўзларига кўра, радио дастури 24 соат эфирга узатилгани сабаб, тингловчилар тунги вақтда ҳам ўзларининг севимли дастурларини тинглаш имкониятига эга бўлишади.

Бундан ташқари Ҳамди Исо бу радионинг эшиттиришлари Африканинг қирғоқ бўйидаги мамлакатларида ҳам қисқа тўлқинларда қабул қилиниши мумкинлигини айтган. Шунингдек, 20 февралдан бошлаб радио туну кун ўз эшиттиришларини тингловчиларга тақдим этади.